

Халқ сўзи



Ўзбекистон –
келажаги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган



WWW.XS.UZ



E-mail: Info@xs.uz



2018 йил 22 сентябрь, № 196-197 (7154-7155)

Шанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ф А Р М О Н И

2019 – 2021 йилларда ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИ ИННОВАЦИОН РИВОЖЛАНТИРИШ СТРАТЕГИЯСИНИ ТАСДИҚЛАШ ТЎҒРИСИДА

Илм-фан ва техника ютуқларини кенг қўллаган ҳолда, иқтисодийёт тармоқларига, ижтимоий ва бошқа соҳаларга замонавий инновацион технологияларни тезкор жорий этиш Ўзбекистон Республикаси жадал ривожланишининг муҳим шарти ҳисобланади.

Жамият ва давлат ҳаётининг барча соҳалари шиддат билан ривожланаётгани ислохотларни мамлакатимизнинг жаҳон цивилизацияси етакчилари қаторига кириш йўлида тез ва сифатли илгариллашгани таъминлайдиган замонавий инновацион ғоялар, ишланмалар ва технологияларга асосланган ҳолда амалга оширишни тақозо этади.

Шу билан бирга, ўтказилган таҳлил ишлаб чиқаришни модернизация, диверсификация қилиш, унинг ҳажмини ошириш ҳамда ички ва ташқи бозорларда рақобатбардош маҳсулотлар турларини кенгайтириш борасидаги ишлар лозим даражада олиб борилмаётганини кўрсатди.

Хусусан, бу борада кўплаб кўрсаткичларнинг мавжуд эмаслиги ва ишлар самарали мувофиқлаштирилмагани сабабли мамлакатимиз сўнгги йилларда нуфузли ва обрўли халқро тузилмалар томонидан тузиладиган Глобал инновацион индекс рейтингига иштирок этмапти.

Иқтисодийёт ва ижтимоий соҳа тармоқларининг илмий муассасалар билан ўзаро ҳамкорлиги даражаси пастлиги, вазирлик ва идоралар, шунингдек, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг инновацион ривожланиш соҳасидаги фаолияти лозим даражада мувофиқлаштирилмаётгани бу

борадаги биринчи навбатдаги мақсадлар ва вазифаларга эришиш имконини бермаяпти.

Жаҳон фанининг замонавий ютуқлари, инновацион ғоялар, ишланмалар ва технологиялар асосида мамлакатни жадал ривожлантириш, шунингдек, 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифаларнинг ихросини изчил таъминлаш мақсадида:

1. Куйидагилар:

2019 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегияси (кейинги ўринларда Стратегия деб юритилади) 1-иловага мувофиқ;

2019 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини амалга ошириш бўйича “Йўл харитаси” (кейинги ўринларда — “Йўл харитаси”) 2-иловага мувофиқ;

Ўзбекистон Республикасини 2030 йилгача инновацион ривожлантиришнинг мақсадли кўрсаткичлари (кейинги ўринларда — мақсадли кўрсаткичлар) 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Белгилансинки:

а) мамлакатнинг халқро майдондаги рақобатбардошлилиги даражасини ва инновацион жиҳатдан тараққий этганини белгилловчи асосий омил сифатида **инсон капиталини ривожлантириш — Стратегиянинг бош мақсади**;

б) бош мақсадга эришишда Стратегиянинг асосий вазифалари куйидагилардан иборат:

Ўзбекистон Республикасининг 2030 йилга келиб Глобал инновацион индекс рейтингини бўйича жаҳоннинг 50 илгор мамлакатни қаторига киришига эришиш; барча даражада таълим сифати ва қамровини ошириш, узлуксиз таълим тизимини ривожлантириш, кадрлар тайёрлаш тизимининг иқтисодийёт эҳтиёжларига мослашувчанлигини таъминлаш;

илмий тадқиқотлар ва ишланмаларнинг илмий салоҳиятини мустаҳкамлаш ва самарадорлигини ошириш, илмий тадқиқот, тажриба-конструкторлик ва технологик ишлар натижаларини кенг жорий этиш учун таълим, илм-фан ва тадбиркорлиқни интеграция қилишнинг таъсирчан механизмларини яратиш;

инновациялар, илмий тадқиқот, тажриба-конструкторлик ва технологик ишларга давлат ва хусусий маблағлар киритилишини кучайтириш, бу соҳалардаги тадбирларни молиялаштиришнинг замонавий ва самарали шакллари жорий этиш;

бошқарувнинг замонавий усуллари ва воситаларини жорий этиш орқали давлат ҳокимияти органлари фаолиятининг самарадорлигини ошириш;

мулкчилик ҳуқуқлари ҳимоясини таъминлаш, рақобатбардош бозорлар ташкил этиш ва бизнес юритиш учун тенг шарт-шароитлар яратиш, давлат-хусусий шериклигини ривожлантириш;

барқарор фаолият юритадиган ижтимоий-иқтисодий инфратузилмани яратиш.

3. **2019 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион**

ривожлантириш стратегиясини ўз вақтида ва сифатли амалга ошириш бўйича комиссия (кейинги ўринларда — Комиссия) 4-иловага мувофиқ тузилсин.

4. Комиссия (А. Н. Арипов):

Стратегияни амалга оширишга қаратилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари сифатли ишлаб чиқишини ва белгиланган тартибда киритилишини таъминласин;

Стратегияни амалга ошириш доирасида оммавий ахборот воситалари, илмий доиралар вакиллари ва хорижий экспертларни, шунингдек, фуқаролик жамияти институтлари вакиллари жалб этган ҳолда, учрашувлар, семинарлар, давра суҳбатлари ва матбуот анжуманларини, шу жумладан, жойларда ташкил этсин;

ушбу Фармон ижросининг бориши тўғрисидаги батафсил ахборотни ҳар чоракда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига киритиб борсин.

5. **Куйидагилар:**

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси бўлинмалари ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси комплекслари раҳбарлари — вазирлик ва идораларнинг Стратегияда ва “Йўл харитаси”да назарда тутилган тадбирларни амалга ошириш бўйича фаолиятини самарали ташкил этиш ва мувофиқлаштириш, мақсадли кўрсаткичларга эришиш, шунингдек, улар ижроси боришини ҳар чоракда муҳокама қилиш учун;



АҚШ ФУҚАРОЛАРНИНГ МЕҲНАТ ҲУҚУҚЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ СОҲАСИДА МАМЛАКАТИМИЗ ЭРИШГАН ЮТУҚЛАРНИ ЭЪТИРОФ ЭТДИ

АҚШ Меҳнат вазирлиги томонидан 2018 йил 20 сентябрь куни эълон қилинган болалар меҳнатининг энг ёмон шакллари тўғрисидаги 2017 йилги ҳисоботга мувофиқ, Ўзбекистон тўртинчи ўриндан иккинчи ўринга кўтарилди. Меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасида “қонунчилик билан тартибга солиш, ҳуқуқни қўллаш, саъй-ҳаракатларни мувофиқлаштириш, ҳукумат сиёсати ва ижтимоий дастурлар билан боғлиқ айрим жиҳатлар бўйича салмоқли чоралар кўрган мамлакатлар” тоифасига кирди.

Ҳужжатда қайд этилишича, мамлакатимизнинг бир-данга икки поғона юқорилагани давлатимиз томонидан пахта теримига болалар меҳнатидан фойдаланишга чек қўйиш бўйича қатъий чоралар кўрилгани билан боғлиқ. Ушбу вазирлик Халқро меҳнат ташкилоти, ҳукумат ва мустақил ҳуқуқ ҳимоячилари ўтказган мониторинг натижаларига таяниб, болаларни пахта йигим-теримига тизимли равишда жалб қилишга тўлиқ барҳам берилганини эътироф этди.

Ҳукумат томонидан 2017 йилда кўрилган чоралар ёритилган ҳисоботда болалар меҳнати ва мажбурий меҳнатнинг олдини олиш ҳамда унга чек қўйишга қаратилган Фуқароларнинг кафолатланган меҳнат ҳуқуқларини таъминлаш масалалари бўйича Парламент комиссияси ташкил қилинган қайд этилган. Шунингдек, Ўзбекистон эришган муваффақиятлар қаторида қишлоқ ҳўжалиги экинларини диверсификация қилиш, ғўза майдонларини қисқартириш, пахта-нағд харид наҳрини ошириш ва уни йиғишни меҳа-

низациялаш назарда тутилган аграр соҳани модернизаациялаш режаси қабул қилингани ва изчил амалга оширилаётгани алоҳида таъкидланган.

АҚШ Меҳнат вазирлиги Ўзбекистонда етиштирилган пахтани 2009 йилдан буён илк бор “болалар меҳнатидан фойдаланган ҳолда ишлаб чиқарилган товарлар рўйхати”дан чиқариб ташлади.

Юқорида қайд этилган қарорлар фуқароларнинг меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасида мамлакатимиз эришяётган ютуқларнинг навбатдаги эътирофи бўлиб, Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган пахтанинг АҚШ бозорига кириши учун янги истикболлар очди.

Таъкидлаш жоизки, аввалроқ АҚШ Давлат департаменти томонидан 2017 йилда одам савдоси билан боғлиқ вазият бўйича ҳисобот эълон қилинган ва унда Ўзбекистон болалар меҳнати ҳамда мажбурий меҳнатга барҳам беришда катта ютуқларга эришгани учун учинчи тоифадан иккинчи тоифага ўтган эди.

Ў.А.

ФАХР

Жорий йилнинг 18 август — 2 сентябрь кунлари Индонезиянинг Жакарта ва Палембанг шаҳарларида XVIII Осиё ўйинлари бўлиб ўтди. Ушбу нуфузли мусобақа ўзбек спорти тарихида янги саҳифа очди.

Осиё ўйинлари голиб ва совриндорлари тақдирланди

Ҳамюртларимиз Осиё ўйинларида 21 олтин, 24 та кумуш ва 25 та бронза, жами 70 та медални қўлга киритиб, умумжамоа ҳисобида бешинчи ўринни эгаллашди.

Ватанимизнинг халқро миқёсдаги шон-шўхратини янада юксалтиришга муносиб хисса қўшган ана шу спортчиларимиз Президентимизнинг 2018 йил 18 сентябрдаги фармойишига мувофиқ, пул мукофотлари билан тақдирланди.

Кеча Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитасида Осиё ўйинлари голиб ва совриндорларини тақдирлашга бағишлаб ташкил этилган ма-

росимда мукофотлар ўз эгаларига топширилди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А. Арипов сўзга чиқиб, давлатимиз раҳбари томонидан яратиб берилган шароит ва имкониятлар Осиё ўйинларида ўз самарасини кўрсатганини таъкидлади. Қолаверса, 20 сентябрь куни Президентимиз томонидан жисмоний тарбия ва спорт соҳасини ривожлантириш масалаларига бағишлаб йиғилиш ўтказилгани ҳамда унда тегишли кўрсатмалар белгиланганлигини айтиб ўтилди.



ХАЛҚ БИЛАН МУЛОҚОТ

БОШ МЕЗОН: ОЧИҚЛИК, ЖОЛИСЛИК, АДОЛАТ

Икки йил аввал — 2016 йил сентябрь ойида давлатимиз раҳбарининг Виртуал қабулхонаси иш бошлади ва аҳоли билан мулоқотнинг янги шакли йўлга қўйилди.



Ҳаёт ҳақиқатининг юзага чиқиши

1 сентябрь куни 32 ёшли Ақмарал Асилова ва унинг фарзандлари — уч ёшли ўғли Нурсултон ҳамда ўн бир яшар қизи Айнагул янги уйга кўчиб киришди. Она ва қизининг айтишича, бу сана уларнинг хотирасида бутун умр муҳрланиб қоладиган бўлди. Чунки айнан шу куни улар чинакам бахт сурурини ҳис этдилар. Чунки яқин-яқингача мазкур оила қариндошлари билан 9 киши бўлиб, икки хонали уйда қисиниб-қимтиниб, ноқулай шароитларда яшарди.



БИЗ ВА ЖАҲОН

Гарчи ўзбек ва ҳинд халқлари ўртасида турли жабҳадаги алоқаларга тарих гувоҳлик берса-да, Ўзбекистоннинг мустақил тараққиёти даврида Ҳинд ўлкаси билан дўстона муносабат 1991 йил 26 декабрдан бошланган.

ЎЗБЕКИСТОН — ҲИНДИСТОН:

САРМОЯВИЙ ҲАМКОРЛИК КЕНГАЙМОҚДА

Шу куни Ҳиндистон мамлакатимиз мустақиллигини биринчилардан бўлиб расман тан олган эди.

Орадан кўп ўтмай, 1992 йили Деҳлида Ўзбекистон Республикаси консуллиги очилиб, 1994 йилда элчихона мақомида қайта тузилди. Тошкентдаги Ҳиндистон бош консуллиги 1988 йилда фаолият бошлаган. 1992 йилда бу дипломатик

корпусга элчихона мақоми берилди.

1992 йил 18 март куни эса Тошкентда дипломатик алоқалар ўрнатиш тўғрисида Протокол имзоланди. Биринчи Президентимиз Ислон Каримовнинг 2011 йил Ҳиндистонга ташрифи чоғида икки мамлакат ўртасида стратегик шериклик тўғрисидаги Қўшма баёнот имзоланди.



БҮЮК МЕРОСИМИЗ ДУРДОНАЛАРИНИ ИЗЛАБ...



Ҳинд диёри. Бу сеҳрли ва қадим юртга Бобур номидаги халқро жамоат фондининг илмий экспедицияси сафарлари илгари ҳам, аниқроғи, ўтган 25 йил давомида бир неча бор уюштирилган. Улар ҳақида юртимиз ва дунё матбуотида кўп ёзилган. Қатор китоблар, саёхатномалар чоп этилган. Ўнга яқин ҳужжатли фильмлар, бир қанча кўрсатувлар Ўзбекистон телевидениеси орқали намойиш қилинган.

Энди шу йилнинг 11 — 23 август кунларида кечган навбатдаги ижодий сафаримиз ҳақида.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 24 майдаги “Қадимий ёзма манбаларни сақлаш, тадқиқ ва тарғиб этиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ижросини ҳаётга татиқ этиб, улуғ аждодларимиз Бобур ва бобурийлар ҳамда бошқа буюк ватандошларимиз томонидан яратилган, хусусан, бугунги кунда Ҳиндистон ўлкасининг музей ва кутубхоналарида сақланаётган асарларни излаб топиш, имкон қадар улардан нусхалар олиб, юртимизга келтириш мақсад-муддаомиз бўлди.



ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

2018 йил 21 сентябрь куни Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда депутатлар мамлакатда ижтимоий, иқтисодий, суд-ҳуқуқ тизимида амалга оширилаётган ислохотларни ҳуқуқий жиҳатдан таъминлашга қаратилган бир қатор қонун лойиҳаларини кўриб чиқдилар.

ҚОНУНЛАРГА КИРИТИЛАЁТГАН ЎЗГАРТИШЛАР ФУҚАРОЛАРНИНГ МАНФААТИНИ ЁҚЛАШГА, ФАОЛЛИГИНИ ОШИРИШГА ҚАРАТИЛДИ

Мажлис кун тартибига киритилган масалалар сиёсий партияларнинг парламент қўйи палатасидаги фракциялари ҳамда Ўзбекистон экологик ҳаракати депутатлар гуруҳи йиғилишларида дастлабки тарзда муҳокама қилинган эди.

Мажлисда депутатлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 2 февралдаги Фармони билан тасдиқланган Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастурининг ижроси юзасидан Адлия вазирлиги томонидан киритилган “Ўзбекистон Республикасининг Уй-жой кодексининг 32-моддасига ўзгариш киритиш ҳақида”ги қонун лойиҳасини кўриб чиқдилар.

Киритилаётган ўзгаришларга кўра, тураржой мулкдорининг оила аъзоси деб эр-хотиннинг ота-онаси, шунингдек, мулкдор билан доимий яшяётган оилали фарзандлари билан биргаликда мулкдорнинг оилали фарзандларининг хотинлари (эрлари) ҳам агар илгари бу ҳуқуққа эга бўлмаган бўлсалар, ўзаро келишувга биноан, уй-жой мулкдорининг оила аъзоси сифатида тан олинishi назарда тутилмоқда. Яъни бу билан мулкдорнинг оилали фарзандларининг хотинлари (эрлари) ҳам оиланинг бошқа аъзолари билан биргаликда уйдаги, квартирадаги хоналардан мулкдор билан тенг фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлишига замин яратилади.

Мазкур қонун лойиҳаси муҳокамаси қизғин баҳс-



Ўзбекистон Республикаси Президентининг
Ф А Р М О Н И

2019 – 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини
инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида

1➡

вазирлик ва идоралар раҳбарлари — илмий-таълим муассасалари, нодавлат нотижорат ташкилотлари вакиллари, мустақил экспертлари (консультантлари), шу жумладан, хорижий мамлакатлардан кенг жалб этган ҳолда, Стратегияда ва “Йўл харитаси”да назарда тутилган тадбирларнинг ўз вақтида ва сифатли бажарилиши, мақсадли кўрсаткичларга эришилиши учун;

давлат илмий-таълим муассасалари раҳбарлари — Стратегияда ва “Йўл харитаси”да назарда тутилган тадбирларни илмий тадқиқот жиҳатидан қўллаб-қувватлаш, вазирлик ва идораларга мақсадли кўрсаткичларга эришиш учун илмий тақдимотлар ва маърузалар, таҳлилий материаллар тайёрлашда ҳар томонлама қўмаклашиш учун;

махаллий давлат ҳокимияти органлари раҳбарлари — вазиятни ҳақиқий ва сифатли ўзгартириш учун муносиб

шароитлар яратиш, фуқароларнинг долзарб муаммоларини ҳал этиш, ҳудудларни ва уларнинг ижтимоий инфратузилмасини Стратегияда ва “Йўл харитаси”да назарда тутилган тадбирлар билан узвий боғлиқ ҳолда ривожлантириш, шунингдек, вазирлик ва идоралар билан ўзаро келишилган ҳолда жойларда мақсадли кўрсаткичларга эришиш чораларини кўриш учун **шахсий жавобгарлик белгилаб қўйилсин.**

6. Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги Ташқи ишлар вазирлиги, Давлат статистика қўмитаси ва бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда Ўзбекистон Республикаси ҳар йили Глобал инновацион индекс рейтингига киритилиши учун халқаро ташкилотларга зарур маълумотлар ва кўрсаткичларнинг мунтазам юборилишини таъминласин.

7. Вазирлик ва идоралар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг тегишли комплекслари раҳбарлари

билан келишилган ҳолда бир ой муддатда **мақсадли кўрсаткичларга эришиш бўйича ўзаро боғлиқ ҳуқуқий, иқтисодий, ижтимоий, ташкилий ва техник чора-тадбирларни назарда тутадиган 3 йилга мўлжалланган ривожланиш дастурларини тасдиқласин**, кейинчалик 3 йилга мўлжалланган янги ривожланиш дастурларини қабул қилсин.

8. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги оммавий ахборот воситаларида ушбу Фармоннинг мақсад ҳамда вазифаларини кенг ёритиш бўйича чиқишлар ва мавзуга оид кўрсатувларни мунтазам ташкил этсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги икки ой муддатда манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда қонун ҳужжатларига мазкур Фармондан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар

тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига тақлифлар киритсин.

10. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А. Н. Арипов, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари З. Ш. Низомиддинов, Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчисининг биринчи ўринбосари Б. М. Мавлонов ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитасининг раиси С. Р. Холмуродов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси		Ш. МИРЗИЁЕВ
Президенти		
Тошкент шаҳри, 2018 йил 21 сентябрь		

ЎЗБЕКИСТОН — ҲИНДИСТОН:

САРМОЯВИЙ ҲАМКОРЛИК КЕНГАЙМОҚДА

1➡

Президентимиз Шавкат Мирзиёев 2018 йил 8 — 10 июнь кунлари бўлиб ўтган ШХТнинг Циндао саммити доирасида Ҳиндистон Бош вазири Нарендра Моди билан учрашганини яхши эслаймиз. Бу учрашувда мамлакатларимиз ўртасида аввал эришилган келишувлар ижроси ва истиқболли ҳамкорлик масалалари муҳокама қилинди.

Бугун Ўзбекистон ва Ҳиндистон ўртасидаги савдо-иқтисодий, молиявий, инвестициявий, инновация ва гуманитар соҳалардаги ҳамкорлик изчил ривожланмоқда. Бу жараёнда ҳукуматлараро делегацияларнинг ўзаро музокаралари яхши самара бераётганини таъкидлаш жоиз. Хусусан, 2018 йил 6 — 10 август кунлари Олий Мажлис Сенати Раисининг биринчи ўринбосари С. Сафоев, Бош вазир ўринбосари — Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси раиси С. Холмуродов бошчилигидаги делегация Ҳиндистонда бўлди. Шу йил 16 август кунли Тошкентда Савдо-иқтисодий ва илмий-техникавий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон — Ҳиндистон ҳукуматлараро комиссиясининг навбатдаги мажлиси ҳамда икки мамлакат ишбилармон доиралари вакиллари иштирокида биз-нес форуми ўтказилди.

Ҳукуматлараро комиссия мажлисида ахборот технологиялари, туризм, тиббиёт ва фармацевтика соҳаларидаги ҳамкорлигини янада ривожлантириш, истиқболли лойиҳаларни амалга ошириш бўйича фойдалани келишувларга эришилди.

Мутахассислар таҳлилига кўра, кейинги икки йилда мамлакатларимизнинг иқтисодий,

сармоя, савдо, текстиль, туризм ва логистика тармоқларидаги ҳамкорлиги самарали кечган.

Гап икки мамлакат ўртасидаги алоқалар ҳақида кетар экан, аввало, савдо-иқтисодий жабҳадаги бугунги вазиятга назар ташлаш ўринли.

Ҳиндистонда “Ўзтрейд” акциядорлик жамияти ҳаммуассислигида ташкил этилган Ўзбекистон — Ҳиндистон савдо уйи фаолият юритмоқда. Инвестициялар бўйича давлат қўмитасидан маълум қилинишича, Ўзбекистонда Ҳиндистонлик ишбилармонлар капитални иштирокида 145 корхона ишлаб турибди. Уларнинг 58 таси тўлиқ хорижий сармоя эвазига ташкил этилган.

Ўтган йилларда Ўзбекистонда Ҳиндистонлик ишбилармонларнинг фаоллиги кузатилмоқда. Биргина 2018 йил биринчи чорагида рўйхатга олинган Ҳиндистон сармояси иштирокидаги корхоналар сони ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 3 баробар ортгани фикримиз далилидир.

Бу кампаниялар фаолиятининг асосини улгуржи-чакана савдо, озиқ-овқат, чарм маҳсулотлари, нефть-кимё sanoati, металлга ишлов бериш, қишлоқ хўжалиги ва қурилиш соҳаси ташкил этади. Ўз навбатида, бу соҳадаги имкониятлар тўлиқ ишга солинмаганини ҳам айтиш ўринли.

Президент Шавкат Мирзиёевнинг Ҳиндистон Республикасига амалга оширадиган давлат ташрифи эса тарихан туташ икки мамлакат ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларининг янги даврини бошлаб бериши кутулмоқда.

**Улугбек АСРОРОВ,
ЎЗА мухбири.**



1➡

Президентнинг Ёшлар, фан, таълим, соғлиқни сақлаш ва спорт масалалари бўйича маслаҳатчиси А. Абдувохитов “XVIII Осиё ўйинларининг ғолиб ва совриндорларини тақдирлаш тўғрисида”ги фармойишни ўқиб эшиттирди. Унга кўра, Осиё ўйинлари олтин медалли соҳиблари 5000, кумуш медалли совриндорлари 3000, бронза медалга эга чиққан спортчилар эса 2000 АҚШ доллари миқдоридаги пул мукофоти билан тақдирланишди.

Қитъа ўйинларида кўлга киритилган натижалар ўзбекистонлик спортчиларнинг яна икки йилдан сўнг Токиода бўлиб ўтадиган Олимпиада ўйинларига тайёргарлик ишлари тўғри йўлга қўйилганидан далолатдир. Мусобақа давомида мамлакатимиз спорт делегацияси медаллар сони, унинг сифати бўйича ҳам энг яхши кўрсаткични қайд этди. Вакилларимиз шарафига 21 маротаба давлатимиз мадҳияси янграб, байроғимиз баланд кўтарилди.

— Индонезияга кетиш олдидан менда фақатгина бир истак бор эди. У ҳам бўлса, Ватанимизга олтин медал билан қайтиш, — дейди курашчи Мухсин Ҳисомиддинов. — Ана шу мақсадимга эришганимдан, Осиё ўйинлари ғолиби бўлганимдан бениҳоя хурсандман. Бу бизга яратиб берилган шароитлар самарасидир.

Айтиш жоизки, Индонезиядаги баҳслар давомида икки нафар спортчимиз Осиё ўйинлари рекордини янгилабди. Хусусан, Светлана Радзивил баландликка сакраш бўйича олтин медални кўлга киритиш билан бир бирга, 2010 йилда ўзи ўрнатган рекордни янгилаб, 1,96 метрлик баландликни забт этди. Шунингдек, Руслан Нурудинов оғир атлетика бўйича жами 421 кг. натижа кўрсатган ҳолда Осиё ўйинлари рекордчисига айланди.

— Спортдаги интилишларимиз шундай юксак эътирофга сазовор бўлаётганидан faxрланамиз, — дейди Светлана Радзивил. — Бундан кейин ҳам юқори натижаларга эришишга ҳаракат қиламиз. Шоҳсу-

**Омонулла ФАЙЗИЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.**

Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси Матбуот хизмати сурати.

Адашган юртдошларимизга Ватанга қайтиш имкони берилди

Яқинда Президентимизнинг “Террористик, экстремистик ёки бошқа тақиқланган ташкилот ва гуруҳлар таркибига адашиб кириб қолган Ўзбекистон Республикаси фуқароларини жиноий жавобгарликдан озод этиш тартибини такомиллаштириш тўғрисида”ги Фармони қабул қилинди. Мазкур ҳужжат тақиқланган ташкилот ва гуруҳлар таркибига адашиб кириб қолган, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида бўлган, ўз қилмишининг ҳуқуққа хилофлигини англаб етган ва тузалиш йўлига ўтган фуқароларга Ватани, oilаси бағрига, тинч ҳаётга қайтиш имконини беришга қаратилгани билан аҳамиятлидир.

Халқимизда “Беайб — Парвардигор” деган гап бор. Тирик жон борки, турли сабаб туфайли адашиши мумкин. Лекин шундай вазиятда кечириб ҳар қандай кишининг ёки жамиятнинг ҳам қўлидан келавермайти. Ўзбекистон эса, мана, Фармон номидан ҳам аёнки, бундайларни, неча фурсатки, кечириб келмоқда, афв этмоқда. Мақсад эзгу, яъни бу юртдошларимиз қаёққа боришни билмай, четда сарсон-саргардон юрмасин, Ватанига қайтсин, агар қўли қонга ботмаган бўлса, у аллақерларда да улоқиб юрган, юртига қайтолмай, лекин қайтишга орзуманд бўлганлар учун катта имкониятдир. Яъни кимки, қай асосу мезонда жавобгарликдан озод қилишда ушбу ҳужжат дастуриламал бўлади.

Фармонда кўрсатиб ўтилганидек, биргина ўтган йили қилми-

шига пушаймон бўлган, тинч ҳаётга қайтган 18 мингдан зиёд фуқаролар — террористик, экстремистик ёки бошқа тақиқланган ташкилот ва гуруҳлар фаолиятида иштирок этишга мойил бўлган шахслар рўйхатидан чиқарилди. Уларнинг 10 мингдан зиёديга иш билан таъминлаш, ижтимоий қўллаб-қувватлаш ва тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйишда амалий ёрдам кўрсатилди.

— Адашиб террорчилик гуруҳларига қўшилиб қолган, бугунги кунда юртимизда бўлаётган ўзгаларни ич-ичидан ҳис этиб, Ватанига қайтиш истаги билан ёнаётган фуқаролар ҳам кўпчиликни ташкил қилади, — дейди Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси ўринбосари Баҳодир Дехонов. — Ушбу ҳужжат шу маънода жуда муҳим. Зеро, уларга уйга қайтиш, шу юрт учун ишлаш ва яшашга яна бир бор имконият берилди.

Бугунги кунда 3,3 минг нафардан ортик фуқаролар махсус кидирувда, улар орасида қилмишига чин дилдан пушаймон бўлиб,

Ватанга қайтмоқчи бўлганлари ҳам бор. Террористларнинг қўллаб-ойналари, бола-чакаси улар билан битта лагерда бўлиб, юртга қайтмоқни ихтиёр этган, шунинг баробарида, жиноий жавобгарликка тортилишдан қўрқиб юрибди.

Фармон билан худди шундай толифанинг мушуқлини осон қилиш кўзда тутилган. Яъни ушбу ҳужжат билан Террористик, экстремистик ёки бошқа тақиқланган ташкилот ва гуруҳлар таркибига адашиб кириб қолган Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг муножаатларини кўриб чиқиш бўйича Республика идоралараро комиссияси ташкил қилинди. Жорий йил 1 ноябрдан бошлаб қайд этилган тоифадаги фуқаролар айнан ушбу Комиссия ҳулосаси асосидагина жиноий жавобгарликдан озод этилади. Аммо озод қилишнинг ҳам ўз мезони, ўз шартлари бор. Фармонда улар 9 бандга ажратиб кўрсатилган.

— Ана шу мезонлар мазкур ҳужжатда алоҳида кўрсатиб ўтилган, — дейди ички ишлар вазири ўринбосари Рустам Ҳотамов. — Қил-



мишига чин дилдан пушаймон қилгани, тақиқланган ташкилотларга алдов йўли билан киргани, у ерда ҳарбий тайёргарликдан ўтмагани каби мезонлар шулар жумла-сида бўлади. Шу ва бошқа ўлчовларга мос келган фуқаролар жавобгарликдан озод қилинади. Айтиш керакики, ана шу мезонларга нечоғлиқ амал қилинганини синчиклаб ўрганадиган, Бош прокурор раислик қиладиган Комиссияга ҳам, ўз навбатида, аниқ ваколатлар берилди.

Шу ўринда ҳақли савол туғилдики, четдаги фуқароларимиз Ватанга қайтишни ихтиёр этиб қолса, биринчи қадамни нимадан бошлашлари зарур? Улар юртимиз ҳудудига кирмоқчи бўлса, бунинг учун ҳам алоҳида ҳужжат талаб қилинадими?

— Кўп нарса талаб этилмайди, — дейди Бош прокурор ўринбосари Эркин Йўлдошев. — Аввало, фуқаро ўзи яшаб турган жойдаги Ўзбекистон элчихонасига ёки ички ишлар органларига муножаат қилиши мумкин. Энг муҳими, Фармоннинг ўзи уларнинг мамлакатга кириши учун асосий ҳужжат ҳисобланади.

Юқоридагилардан ташқари, Фармон билан Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасига Ички ишлар вазирлиги, Давлат хавфсизлик хизмати ва Олий суд билан биргаликда бир ой муддатда тақиқланган ташкилотлар таркибига адашиб кириб қолган фуқаролар-

нинг муножаатларини кўриб чиқиш ва жиноий жавобгарликдан озод этиш механизмлари бўйича Низоми ишлаб чиқиш вазифаси юқлатилган. Қисқаси, бу борадаги ишлар янада изчиллик касб этади.

Бу ҳужжат хато қилган-у, уни юрагидан англаб етган, тавбасига таянган, юртга қайтишдек бахтни ўз жисмида тугал ҳис қилишни астойдил истаганлар учун яна бир имкон бўлди. “Бахт”. Аслида унинг аниқ бир таърифи йўқ. Аммо бу сўзни, бу хиссиётни бир вақтлар чин бахтдан мосуво бўлганлардан сўрасангиз, кейин йилга қоришқик армонларини тингласангиз, сиз ҳам танангизда ҳис қилишингиз мумкин.

Еру диёрдан хабар топганлар бир нарсани билиб бўлса, яхши бўларди: адашган бўлса, йўлини топиши учун яна бир имкон берилмоқда, уни Ватани “кел” деб чорлаётир. Бир палақдан турфа қовун унганидек, юрт болалари ҳам ҳар хил чиқаркан. Аммо бунёдқори ҳам, адашгани ҳам — бирдек фарзанди. Чин фарзанд онадек муқаддас бўлган диёрнинг қўсига найза санчмайди. Бундан бошқасини кечирса бўлади. Кечирилмайдигани битта, у ҳам бўлса — хиёнат. Фармоннинг асосий моҳияти ҳам шу...

**Бош прокуратура ҳузуридаги
Ахборот-таҳлил
мултимедиа маркази
материаллари асосида
Зокир ХУДОЙШУКУРОВ
тайёрлади.**

ХАЛҚАРО АНЖУМАН

“Марказий Осиё халқаро транспорт йўлакларини тизимида: стратегик истиқболлар ва фойдаланилмаган имкониятлар” мавзусидаги халқаро конференция иши Самарқандда давом эттирилди.

Транспорт-логистика — тараққиётнинг муҳим бўғини

Мазкур анжуман нафақат минтақа давлатлари, балки дунё ҳамjamiyида ҳам катта қизиқиш уйғотди. Унда транспорт соҳасидаги қўллаб-қувватлаш, халқаро молия муассасалари вакиллари иштирок этгани шундан далолат беради.

Бугунги кунда Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислохотлар, бевосита давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилаётган ташаббуслар Марказий Осиё минтақаси давлатлари ўртасидаги алоқаларни ҳар томонлама ривожлантиришга хизмат қилипти. Ўзаро муносабатлар эса транспорт-коммуникация тизимлари билан чамбарчас боғлиқ. Ушбу йўналишдаги имкониятларни очишда мазкур халқаро тадбирнинг аҳамияти жуда юқори бўлди, деб айтиш мумкин. Чунки унинг биринчи кунда транспорт соҳасининг барча йўналиши бўйича мавжуд муаммолар муҳокама этилиб, уларнинг ечимлари юзасидан фикр алмашилди. Бир қатор ҳуж-

жатлар қабул қилинди.

Халқаро анжуман иштирокчилари Самарқанд вилоятида бўлиб, бу ердаги йўловчи автобуслари ва юк машиналари ишлаб чиқарувчи “JV MAN Auto-Uzbekistan” ва “UzAutoTrailer” корхоналари фаолияти билан яқиндан танишишди. Меҳмонларга мазкур йирик ишлаб чиқариш субъектлари фаолияти, янги лойиҳалар ҳусусида маълумот берилди.

— Халқаро конференция катнашчиларида махсуслотларимиз катта қизиқиш уйғотди, — дейди “JV MAN Auto-Uzbekistan” корхонаси бош директорининг маркетинг бўйича ўринбосари Сардорбек Усмонбеков.— Бундан ташқари, техникаларимизда хайдовчилар учун ҳам қулайликлар яратилган. Бу эса уларга ҳаракатланиш даврида бир қатор енгилликлар беради.

Меҳмонлар, шунингдек, Самарқанд шаҳрининг диққатга сазовор жойларини ҳам бориб кўришди.

Ринат АБДУЛЬМАНОВ.

Давлат хизматлари кўрсатиш сифати янада яхшиланади

Мамлакат тараққиётининг замонавий босқичида “Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак”, деган улугвор гоя илгари сурилиб, давлат органлари томонидан кўрсатиладиган хизматларни янада такомиллаштириш устида мунтазам иш олиб боришмоқда.

2018 йилнинг 1 январидан республика миқёсида фаолият бошлаган Давлат хизматлари маркази томонидан болаларни мактабгача таълим муассасаларига қабул қилиш бўйича ариза бериш, фуқарони жағбариб бориладиган пенсия тизимида ҳисобга қўлиш, муҳандислик-коммуникация тармоқларига ула-ниш, лойиҳа ҳужжатларини келишиш, қурилиш-монтаж ишларини амалга ошириш, яқна тартибда уй-жой қуришга (реконструкция қилишга), сувдан махсус фойдаланиш ёки сувни махсус истеъмол қилиш учун рухсат бериш каби хизматлар кўрсатиш йўлга қўйилган.

Соҳада эришилган ютуқларни омаллаштириш, йўл қўйилган камчиликларни аниқлаш, умуман, халқаро экспертлар иштирокида давлат хизматлари кўрсати-шининг миллий тизимини тубдан ислох қилиш мақса-дида пойтахтимизда Фуқаролик жамиятини монито-ририш қилиш мустақил инсти-туту, Адлия вазирлиги ҳузу-ридаги Давлат хизматлари агентлиги, “Тараққиёт стра-тегияси” маркази ҳамкорли-гида “Давлат хизматларини кўрсатиш тизимини такомил-лаштириш: Ўзбекистон таж-рибаси ва халқаро амалиёт” мавзусида анжуман ўтказил-ди. Унда БМТ Тараққиёт дастури ва ЕХТТнинг Ўзе-бекистондаги ваколатхонаси вакиллари, халқаро ташки-лотлар экспертлари, рес-публикамиздаги вазирлик,

мутасадди идоралар, нодав-лат нотижорат ташкилотла-ри вакиллари катнашди.

Тадбирда аҳолига давлат хизматларини кўрсатишнинг сифати ва тезкорлигини таъ-минлаш юзасидан тажриба алмашиб, халқаро алоқалар-ни кенгайтириш, соҳани яна-да такомиллаштириш юзаси-дан тақлиф ва тавсиялар, амалий ҳамда самарали та-шаббуслар илгари сурилди.

— Бугунги кунда Давлат хизматлари марказларидан кунига ўртача 500 — 1000 киши сизд хизматлардан айнан бизнинг марказлар орқали фойдаланишни йўлга қўйиш назарда тутиляпти.

Мунозаралар давомида давлат хизматлари кўрсатиш жараёнини соддалаштириш ва оптималлаштириш, давлат органлари ҳамда бошқа ташкилотлар фаоли-ятининг самарадорлигини оширишни таъминлайдиган инновацион шакллари-ни жорий этиш бўйича тавсия-лар ишлаб чиқилди.

**Мунисхон КАРИМОВА,
«Халқ сўзи» мухбири.**

Бош мезон: ОЧИҚЛИК, ХОЛИСЛИК, АДОЛАТ



— Касаллик боис иккала оёғимдан ажралгач, турмуш ўртоғим бизни ташлаб кетиб қолди, — дея дардини очди у. — Оилани тебратиш учун протез кийиб, оёққа турдим. Иш қидириб қарларга бош урмадим, дейсиз?! Лекин ҳеч йўлим очилмади — ногиронлигим борлигини эшитишлари ҳамоно рад этиш учун бир қанча сабаблар келтиришар ва мулоимлик билан эшиккача кузатиб қўйишарди. Бирдан-бир даромад манбаимиз ногиронлик бўйича камгина нафақа эди.

Шу онда унинг юзига табассум юғради:

— Ҳаётимиз бу қадар ўзгариб кетиши етти ухлаб тушимга ҳам кирмаганди! Мана шу шином уйга кўчиб ўтдик, менга тикув машинаси беришди, иш билан таъминлашди. Ўғлим болалар боғчасида бепул тарбияланяпти, қизим эса жуда яхши, меҳрибон педагоглар қўлида янги мактабда тахсил олмоқда. Кувончимни сўз билан ифодалаб беролмайман.

Ҳаяжондан унинг томоғига нимадир тикилиб, жим бўлиб қолди. Бошидан кечирган машаққатлари ҳақида ўзидан қўра қалтираётган бармоқлари кўп нарсани ифодаларди.

Ақмарал Асилова — дардини Президент аштитган ва муаммосини ҳал қилишда ёрдам берган юз минглаб ўзбекистонликлардан бири. Ва бу имконият мамлакат раҳбари ташаббуси билан 2016 йил сентябрь ойида ишга туширилган давлат ва халқ ўртасидаги доимий алоқанинг ўзига хос механизми туфайли юзага чиқди.

Айнан шу кун республикада халқ билан мулоқотнинг тамомила янгича тизими иш бошлади. Интернетда давлат раҳбарининг Виртуал қабулхонаси очилди. Унинг афзалликларини одамлар дарҳол сезишди. Нафақат аҳолининг кенг қатламлари, балки ҳокимият тўзилмасидагилар ҳам. Минглаб фуқаролар мамлакат етакчисига бевосита мурожаат қилиш имкониятига эга бўлдилар ва ҳукумат, нихоят, халқнинг ҳақиқий дардини, муаммо ва эҳтиёжларини билиб, таъбир жоиз бўлса, унинг “юрак уриши”ни ҳис эта бошлади.

Президент ташаббусига кўра шакллантирилган ўзига хос тўзилма фуқаролардан келиб тушган мурожаатларнинг кўриб чиқилишини назорат қилиш билан бирга, шикоят ва аризалар мазмун-моҳиятини тизимли таҳлил қила борди. Ўзбекистонликларнинг бу минглаб мурожаатларида бизнинг бутун мамлакат миқёсидаги воқеалигимиз гўё улкан кўзгудагидек акс этди. Қабул қилиш ва тан олиш осон бўлмаган ҳақиқат бирдан юзага чиқди. Мамлакат тараққиётидаги барча заиф нуқталар, камчилик ва нуқсонларнинг ҳаммаси кўринди.

Ҳақиқатни йиллар давомида яшириш аянчли ҳолатга олиб келган ва фуқаролар энди муаммолар — иқтисодиёт ва ижтимоий ҳаётни бошқариш воситала-

рининг номуаносиблиги, ҳудудларнинг бир маромда ривожланмаганлиги, коррупция, кўзбўямачилик, масъулиятсизлик ва бошқа кўплаб масалалар ҳақида Президентга мурожаатларида очиқ айта бошлашди. Тўғридан-тўғри, самарали мулоқотнинг энг катта ютуғи эса одамларнинг давлатга ишончи мустаҳкамлангани бўлди.

Президент Халқ қабулхонаси аҳоли назидида холислик, адолат ва шаффоқлик тимсолига айланди. Ушбу тамойилларга оғишмай амал қилиш давлат органлари фаолиятининг самарадорлигини таъминлабгина қолмай, қарорларнинг аниқлигига эришиш, республикада қабул қилинаётган қонун ҳужжатлари, лойиҳалар ва дастурларни энг майда жиҳатларигача тарозига солиб кўриш

Ўзбекистон Республикасининг Президенти фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларига, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларига риоя этилишининг кафилидир.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 93-моддасидан.

имконини яратмоқда. Фуқароларнинг мурожаатлари норматив-ҳуқуқий базани яхшилаш, унинг манзили ва чуқур ўйланган бўлишини таъминлашга ёрдам бермоқда.

Давлат органлари — аҳоли хизматида

Президент виртуал қабулхонаси доимий ривожланишдан тўхтамаяпти. Бу жўшқинлик кейинги демократик ислохотлар, давлат бошқарувини ҳаддан ташқари марказлаштиришдан воз кечиш ва қатор ваколатларни ҳудудий органларга бериш, раҳбарларнинг шахсий масъулиятини ошириш, давлат дастурларини фуқароларнинг мурожаатлари асосида тайёрлашга қучли туртки берди.

У ишга туширилганидан буён халқ билан онлайн мулоқот қилишнинг янги шакллари юзага келди, вазирликлар ва идораларнинг институционал ҳамда ташкилий-ҳуқуқий фаолияти такомиллаштирилди, ижро этувчи ҳокимият органларининг вазифа ва функциялари, уларни амалга ошириш механизмлари мақбуллаштирилди.

Халқ ҳокимиятчилигининг амалда рўёбга чиқиши асосида ўзбекистонликлар томонидан Халқ қабулхоналари Президент фуқароларнинг ҳуқуқ ва

мияти органлари, вазирликлар ва идоралар раҳбарлари ҳисоботларини тинглашнинг сифат жиҳатидан янги тизими яратилди. Давлат раҳбарининг қарори билан шакллантирилган, ҳоким, прокурор, ички ишлар ва солиқ бошқармаси бошлиқлари томонидан мувофиқлаштирилувчи ижтимоий-иқтисодий ривожланиш бўйича тўртта сектор жойлардаги вазиятни мунтазам ўрганиб боришни таъминламоқда, оилаларга бориб, муаммоларни аниқлаётир, уларнинг ечилишида кўмаклашяпти. Секторлар фуқаролар мурожаатлари билан ишлаш, йиллар давомида тўпланган муаммоларни ҳал этишда ёрдам бериш бўйича самарали институтга айланиб улгурди.

Халқ билан мулоқот тизими воситасида “Халқ давлат идораларига эмас,

давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак” деган тамойилни амалда рўёбга чиқариш учун изчил фаолият олиб борилмоқда.

Янги маҳалла ва қишлоқлар

Кам таъминланган оилалар учун тураржой муаммоси кўп йиллар мобайнида мамлакатдаги энг оғрикли масалалардан бири бўлиб келди. Уни ҳал қилиш учун деярли чора қўрилмагани Виртуал қабулхона фаолият бошлаган илк кунларданоқ кўплаб мурожаатлар келиб тушганидан аён бўлди. Фуқаролар мактубларида кўтарилган ижтимоий ҳимояга муҳтож одамлар, айниқса, ногиронлиги бор шахслар, кам таъминланган оилалар бандлигини таъминлаш ва уларнинг яшаш шароитларини яхшилаш масалалари ҳам кечиктириб бўлмас қарорларни талаб этарди.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан бошланган арзон уй-жойлар қуриш дастурлари ушбу мураккаб вазиятдан чиқишга ёрдам беряпти. Сўнгги чорак асрда биринчи марта аҳоли учун арзон, барча шарт-шароит таъминланган уй-жойлар қуриш бошланди. Ўтган йилнинг ўзида республикада 800 минг квадрат метрдан зиёд ана шундай кўп қаватли уйлар фойдаланишга топширилди. Аҳамиятлиси, қишлоқ ва шаҳарлардаги йўл-транспорт, муҳандислик-коммуникация ва ижтимоий инфратузилмани модернизация қилиш миқёси кенгайиб бораётганидек, арзон тураржойлар қуриш ҳажми ҳам ошиб бораётир.

Президент ташаббуси билан ишлаб чиқилган “Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” дастурлари ҳам мазкур жараённинг мантқий давоми бўлди. Уларни амалга ошириш асосида ижтимоий ҳимояга муҳтож фуқароларга муносиб турмуш шароитларини яратиш, бунёдкорлик лойиҳаларини рўёбга чиқаришда ресурслар ва муддатларни оптималлаштиришда комплекс ёндашув таъминланди.

“Обод қишлоқ” дастури доирасида Жиззах вилоятидаги Манас қишлоғи 45 кун давомида таниб бўлмас даражада ўзгарди. Энди бу манзил бир вақтлар эътиборсиз қолган, муаммоларга тўла ҳудуд эмас, балки обод ва гўзал бир шаҳарни эслатадиган масканга айланди.

Бугунги кунда ушбу дастур Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларнинг 174 та туманидаги 563 та қишлоқда ҳаётга татбиқ этилмоқда. Унинг доирасида 86,7 мингдан ортиқ алоҳида ва 538 кўп қаватли уй таъмирдан чиқарилди, 176 та ижтимоий-маиший объектда қурилиш-таъмирлаш ишлари бажарилди, умумий узунлиги 1 252 та сув таъминоти, 707 та газ таъминоти ва 1 763 километрга тенг электр таъминоти тармоғи таъмирланди, 1439 километр суғориш ва мелiorатив объектлари ва 1 763 километрлик автомобиль йўллари замон талаблари асосида тикланди. Айни дамда бошқа тадбирлар бўйича ҳам ишлар давом эттириляпти.

Мирзачўл туманидаги Ғалаба, Мустақиллик, Ўзбекистон, Ўрдалик, Мирзадала, Ержар қишлоқлардаги маҳаллалар замонавий қиёфа касб этди. Ўтган асрнинг 60-йилларида вақтинча қурилган ёғоч тилдаги уйларда йиллар давомида яшаб келаётганлар учун шу йил август ойида арзон уй-жойлар қурилиши якунланди. Ҳозир 223 та 2 ва 3 хонали намунавий ҳамда 168 та хонадонга мўлжалланган саккиз қаватли уйларда аҳоли фаровон ҳаёт кечиряпти. Худудда тикувчилик ва чорвачилик маҳсулотлари тайёрлашга иxtисослаштирилган замонавий ишлаб чиқариш мажмуалари барпо этилиб, бу икки юздан ортиқ иш ўринларини яратишга имкон берди.

Ушбу дастурларсиз биз мақоламиз бошида ҳикоя қилган Ақмарал Асилова ва фарзандларининг ўз уйига эга бўлишдек орузси рўёбга чиқмаган бўларди.

Мулоқотдаги муҳим босқич

Давлат ва халқ ўртасида ишончли мулоқотнинг ўрнатилиши кам таъминлан-

Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак.



ган оилалар интилишларини самарали рўёбга чиқаришга кўмак берди. Масалан, Ақмарал Асиловага пойтахтимизнинг Бектемир туманидаги Президент Халқ қабулхонаси ёрдамлашди. Ушбу муассаса ташкил этилганидан буён 2017 йил марта ойидан бошлаб, фуқаролар мурожаатлари билан ишлашда бебаҳо тажриба тўпланди, ижтимоий ҳамкорлар доираси, айниқса, маҳаллий Кенгаш депутатлари, жамоат ташкилотлари вакиллари, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимлари билан уйғун ишлаш таъминланмоқда. Бу жараёнда ҳудудий хотин-қизлар кўмиталари фаолияти муҳим ўринга эга.

— Сўнгги йилларда Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси тўзилмаси анча яхшиланди, аёллар ва уларнинг оилаларини қўллаб-қувватлаш учун ваколат ҳамда имкониятлар янада кенгайтирилди, — дейди Бектемир тумани ҳокими ўринбосари, туман хотин-қизлар кўмитаси раиси Зиёда Тоҳирова. — Натижада биз махсус тўзилган ҳамжарамимиз ҳисобидан кам таъминланган, ногиронлиги бор фарзандлари бўлган учта оила-

ни яна қандай қилиб яхшилаш кераклиги, ижтимоий аҳамиятга молик масалаларни ҳал этишда ўз маслаҳатларини ҳам аямайди. Уларнинг талабларига биноан, Халқ қабулхонасига аҳоли турмуш шароитини яхшилаш бўйича аниқ таклифлар билан бир неча бор бордим. Аризалар қисқа муддатларда кўриб чиқилди.

Масалан, туман марказининг икки чорраҳасида йўл-транспорт ҳодисалари тез-тез рўй берарди. Одамлар жараҳатланар, қурбонлар ҳам бўларди. Мазкур ҳолатни светофор ўрнатилиши орқали бартараф этиш мумкин эди. Аммо биз унинг ўрнатилишини сўраб ўтган асрнинг 80-йилларида буён маҳаллий ҳокимият вакилларида умид қилиб келдик. Халқ қабулхоналари фаолияти йўлга қўйилганидан кейингина светофорлар ўрнатилди, йўллар тартибга келтирилди. Фурсатдан фойдаланиб, ўзим учун оғрикли саволлар ҳақида фикр юритсам: Президентга баъзан ўзига тўқ, ҳар томонлама яхши таъминотга эга одамлар уй, машина сўраб, Малайзияга саёҳат учун ёки қўниларни, раҳбар-

2018 йилнинг 21 сентябрь ҳолатига кўра:

- Идоралар ва маҳаллий ҳокимият органлари ҳамда уларнинг бўлиммалари раҳбарлари иштирокида 68 мингдан зиёд қабуллар ҳамда 20 мингга яқин сайёр қабуллар ташкил этилди.
- Мурожаатлар билан ишлашда хатого йўл қўйгани учун 3650 тақдимнома киритилди, шундан 2 596 ходим интизомий, 704 ходим маъмурий ва 47 ходим жиноий жавобгарликка тортилди. 181 ходим билан меҳнат шартномалари бекор қилинди.

Президентимиз бошчилигида фаол ва очиқ мулоқот орқали улкан ижтимоий аҳамиятга эга муаммолар ҳал қилиниб, ҳаётимиз янада яхшилиниб бормоқда.

— Албатта, инсон омили жамяят ҳаётида, жумладан, Халқ қабулхонасидек ноёб институт фаолиятида катта роль ўйнайди, — деб ҳисоблайди халқ депутатлари Бектемир тумани Кенгаши депутати Суюн Ашуров. — Раҳбарият уни нафақат профессионал ва масъулиятли, балки самимий, одамлар билан тез мулоқотга кириша оладиган инсонларга ишониб топшириши керак. Аҳоли, у хоҳ ёш бўлсин, хоҳ кекса, уларга эркин мурожаат қила олсин. Халқ қабулхонасига ташриф буюрган пайтларимда бу ерга келувчи ҳар бир фуқаро мамнун эканига кўп ишонч ҳосил қиламан. Ушбу даргоҳга турли инсонлар, турли шароитларда, баъзан асаби таранг, даргазаб бўлиб келишади. Уларга диққат-эътибор билан қўлоқ солишда, охиригача тинглашда ва ёрдам беришда. Фуқароларнинг ҳар бир қабули тезкорлик билан, мутахассислари жалб этган ҳолда амалга оширилмоқда, муаммога ечим биргаликда изланиб, унинг ижроси аниқ назоратга олинапти. Муассасага раҳбарлик қилаётган Зуфар Махмудов халқ орасида журмат қозонгани учун ҳам ана шу эзгу ишларга ўз ҳиссасини қўшиб келмоқда. Қабулхонада давлатнинг жамяят олдидаги муносиб вакиллари ишлаётгани ҳам нихоятда муҳимдир. Зеро, улар одамларнинг ҳокимиятга бўлган ишончини мустаҳкамламоқда.

Туман адлия бошқармаси бошлиғи Алишер Хатамов ўз фикрлари билан ўртоқлашди:

— Виртуал ва Халқ қабулхоналари давлат ҳамда жамяят ўртасидаги муносабатлар шаффоқлиги ва очиқлигини таъминлайди, уларнинг ривожланишига кўмаклашди. Давлат идоралари ҳар бир муаммо ечими бўйича максимал даражада аниқ ҳамда амалий “йўл харитаси”ни ишлаб чиққан ҳолда ўз фаолиятини оптималлаштириш имкониятига эга бўлди. Биз ҳам туман Халқ қабулхонаси билан ҳамкорликда худди шу каби ҳаракатлар режасини қабул қилдик. Фуқаролар мурожаатлари тахлили якунлари бўйича ишлаб чиқилган бу ҳужжат фаолият сифатини яхшилади, бажарилаётган ишлар натижадорлигини оширди. Бунда давлат раҳбари томонидан амалга киритилган ва барча учун тушунарли мазкур қоида дастуриламал бўлмоқда. Яъни фуқаролар муаммосига ечим топиш учун бизга келишмапти, биз, давлат тўзилмалари вакиллари ҳар доим аҳоли орасидамиз, биргаликда ишляпмиз. Қисқача айтганда, халққа яқиндан ёрдам бераётган Президентнинг виртуал ва Халқ қабулхоналари ҳар биримиз учун чинакам демократия мактабига айланмоқда.

Гулбаҳор ТАҒИРОВА.

Динора ЧИРКОВА олган суратлар.



МИННАТДОРЛИК

Зайниддин ЗАМОНОВ, Наманган туманидаги Шўрқишлоқ маҳалласида яшовчи фуқаро:

— Ўғлим Ҳусниддин Россия Федерациясига чиқиб кетиб, паспортини йўқотиб қўйгани учун юртга қайтиб кела олмаётган эди. Халқ қабулхонасига мурожаат қилдик. Ўзбекистоннинг Россиядаги элчихонаси ушбу масала бўйича ишга киришди. Муаммо тезда ечим топди, бундан беҳад миннатдормиз.

Турсунбой ШАМСУТДИНОВ, Аска туманидаги Фаровон маҳалласида яшовчи фуқаро:

— Маҳалламиз аҳолисини кўчалардаги аянчли ҳолат анчадан бери ўйлантириб келарди. Ёзда чанг-тўзон, ноқулай об-ҳавода эса ўтиб бўлмас даражада лой бўлиб кетарди. Бундан, айниқса, мактаб ўқувчилари қийналишарди. Маҳалладошларим номидан Халқ қабулхонасига қилган мурожаатимда шу муаммони ҳал этиб беришларини сўрадим. Қисқа вақт ичида Андижон вилояти автомобиль йўллари ҳудудий бош бошқармаси йўлсозлари умумий узунлиги уч минг метрлик тўртта кўчага шағал ётқизиб беришди.

ПАРЛАМЕНТДАГИ МУХБИРЛАРИМИЗ ХАБАР ҚИЛАДИ

Партиялараро рақобат қандай бўлиши керак?

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси томонидан “Сиёсий рақобат: амалиёт ва халқаро тажриба” мавзuida илмий-амалий семинар ўтказилди.

Иштирокчиларнинг қайд этишича, кейинги вақтларда сиёсий партиялар фаолиятида ўзгаришлар кўзга ташланаётган, халқимиз томонидан эътироф этилаётган бўлса-да, буни

хали етарли деб бўлмайди. Шундан келиб чиқиб, тадбирда хорижий тажрибани ҳам муттасил ўрганиб бориш, илғор усулларни қўллаш орқали партиялар ўртасида соғлом ва

конструктив рақобатни юзага келтириш масалаларига тўхталиб ўтилди.

Семинарда давлат ва жамият курилишини ривожлантириш, аҳолининг ижтимоий-сиёсий фаоллигини оширишда сиёсий партияларнинг ролини, жумладан, қонунчилик ва ҳокимиятнинг вакиллик органларига сайловларда сиёсий партиялар иштиро-

кини кенгайтириш орқали сайлов жараёнининг демократлигини таъминлашда тараққий этган мамлакатлар тажрибаси тўғрисида маълумотлар тақдим қилинади.

Илмий-амалий семинар якунида мутахассислар, экспертлар, фракция аъзолари томонидан қатор тақлиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

Олий Мажлис Сенатининг Муҳофиза ва хавфсизлик масалалари қўмитаси ҳузуридаги ишчи гуруҳ томонидан “Давлат божхона хизмати тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги қонун муҳокама қилинди.

Божхона органлари фаолияти ва ҳуқуқий асос

Мазкур қонун билан божхона органларининг ҳуқуқий асослари такомиллашди. Амалдаги қонун ҳужжатлари ҳамда мамлакатимизда сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий соҳаларда олиб борилаётган ишловларни уйғунлашувига эришилди. Ташқи иқтисодий фаолият қатнашчиларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатлари юзасидан қўшимча ҳуқуқий механизмлар жорий этилади. Божхона органлари ходимлари мажбуриятларини бажариш билан боғлиқ қонуний ҳаракатлари қафолати яратилди.

Унга кўра, қонунчилик, очиклик ва шаффоқлик, жисмоний ҳамда юридик шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний маффаатларига риоя қилиш божхона органлари фаолиятининг асосий принциплари этиб белгиланмоқда.

Шунингдек, қонунда божхона органларининг асосий вазифалари, ҳуқуқ ҳамда мажбуриятлари, божхона органларида хизмат ўташ тартиби, тизим ходимларини ҳуқуқий ва ижтимоий ҳимоя қилиш мустаҳкамланмоқда. Янги нормаларга мувофиқ, божхона органи ходими давлат органи вакили ҳисобланиб, давлат ҳимояси остида бўлади.

Сўзга чиққанлар қайд этганидек, қонун божхона органлари фаолиятининг ҳуқуқий асосларини такомиллаштиришга хизмат қилади. Ташқи иқтисодий фаолият иштирокчилари ҳуқуқлари ҳамда эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш бўйича қўшимча ҳуқуқий механизмларни ўрнатади. Божхона органлари ходимларини моддий ва ижтимоий ҳимоя қилишни янада кучайтириш, қонун ҳужжатларида ишлатиладиган идоравий атамаларнинг бир хилда қўлланилишини таъминлашга хизмат қилади.

Зиёда АШУРОВА.
Мунисхон КАРИМОВА.



қиз ўтади, улардан қанчасининг кўнглига бу “юрак” ўз тасвирини ўтказди экан?

Фақат бу эмас, бошқа арт-компо-



зициялар ҳам миллий тафаккур тарзимиждан узок, уларни кўрганда ё ҳеч нарсга тушунмаймиз ёки бизга ётливини билдириб турган манзарадан дилхиралик уйғонади. Ҳолбуки, шаҳарсозликда бу хил арт-композициялар ёшларда, умуман, фуқароларда Ватанга, миллатга, халққа, унинг маданиятига, она шахрига муҳаббат ва гурур уйғотиши, инсонпарварлик, ватанпарварлик, халқпарварлик, миллатпарварлик гояларини тарғиб қилиши, энг асосийси, омма учун бирдек тушунарли бўлиши керак. Коммуникационлик — шаҳар безаклари, умуман, шаҳар маданиятининг биринчи талаби. Бунга жавоб бермаган асарларни, қанчалик оҳанраболи, қанчалик бадийи, қанчалик чуқур мазмунли бўлмасин, яхшилик қўлгизмада ёки музейда кўрган афзал.

Ҳўш, нега шаҳримизни безашда миллий асосларимизга — миллий меросимизга мурожаат қилмай, виқор ва гўзалликни бошқа ердан излаяпмиз? Бунинг учун нима керак? Аслида, қўп нарсга керак эмас. Бор-йўғи миллий маданиятдан, миллий семантикадан хабардорлик, ватанпарварлик, ўз тарихи, ўз маданиятидан гурурланиш хоҳиш-истаги! Шу ҳоло! Бу борада бизга амалий санъатимиз нақшу ниғорлари, орнаментлари, мифологик образлар, энг муҳими, бугун музейларни безаб турган қадимги шаҳарларимиз осориатикалари, умумлаштириб айтганимизда, миллий семантикамиз ҳаммиса мададага тайёр турибди.

Миллий белгиларимиз, тимсолларимизни замонавий кўринишда, бугунги шаҳарсозлик талаби бўлган модерн талқинда шаҳарларимизнинг визуал ва иллюстратив манзараларига татбиқ этишимиз мумкинми? Мумкин, албатта. Бу билан биз қўп нарсга ютаемиз. Жумладан, шаҳримизга таширф буюрганларга миллий маданиятимизни тарғиб қилган бўлаемиз, Ватан маданиятидан ифтихор туйғусини кучайтираемиз, ёшларнинг миллий семантикамиз тимсолларига яширинган оила, уй, Ватан, олам, одам ҳақидаги ҳикматларни англашларига, қолаверса, миллий маданият, миллий мухит, яъни миллий ўзлик руҳида тарбияланишига бекиёс хизмат қилган бўлаемиз.

Назор ЭШОНҚУЛ.

Шундан сўнг парламент қўйи палатасининг бир гуруҳ депутатлари томонидан қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи асосида киритилган “Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) сайлови тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунчилик қизғин ҳуқуқларини амалга оширишига қулай шароит яратиш, сайлов жараёнининг очиклиги ва шаффоқлигини таъминлаш масаласида ишлаб чиқилган.

Сўзга чиққан депутатлар, аввало, ушбу қонунда қандай янги тушунчалар, нормалар мавжуд, деган масалалар ҳусусида атрофлича тўхталиб ўтдилар.

Қонун лойиҳаси билан фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли)нинг ваколат мuddати икки ярим йилдан уч йилга узайтирилмоқда.

Сайловда бевосита фуқароларнинг ўзлари кўпроқ иштирок эта олишини таъминлаш мақсадидан сайлов ўтказилаётган ҳудуд — ҳовлилар, уйлар, кўчалардан фуқаролар ўз ҳоҳиш-иродасини эркин билдиришига таъсир этиш имкониятини қолдирмаслик мақсадидан фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) сайловида яширин овоз бериш тизими ўрнатилмоқда.

Сайлов жараёнининг очиклиги ва шаффоқлигини таъминлаш мақсадидан эса фуқаролар йи-

ролар вакилликнинг минимал нормасини белгилаш тақлиф этилмоқда. Бунда ҳар бир ҳудуддаги аҳоли сони инобатга олинган.

Тақлиф қилинаётган янги қонун лойиҳасига кўра, эндиликда сайловни ташкил этиш ва ўтказиш масаласи билан республика даражасида Олий Мажлис Сенати Кенгашининг комиссияси эмас, балки алоҳида тузиладиган фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказишга қўмаклашувчи Республика комиссияси шугулланиши белгиланмоқда. Унинг таркибига парламент қўйи палатаси депутатлари, Сенат аъзолари, тегишли давлат органлари, нодавлат но-тижорат ташкилотлари, илмий муассасалар ва бошқа ташкилотлар вакиллари киритилади.

Фуқаролар ўз ҳоҳиш-иродасини эркин билдиришига таъсир этиш имкониятини қолдирмаслик мақсадидан фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) сайловида яширин овоз бериш тизими ўрнатилмоқда.

Сайлов жараёнининг очиклиги ва шаффоқлигини таъминлаш мақсадидан эса фуқаролар йи-

ғини раиси (оқсоқоли) сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказиш, сайлов ўтказиладиган сана, унинг вақти ва жойи тўғрисида, раис (оқсоқол) лавозимига номзодлар ҳақидаги ахборотни Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича кенгашларнинг расмий веб-сайтларида жойлаштириш кўзда тутилмоқда.

Депутатларнинг фикрича, мазкур қонуннинг қабул қилиниши фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига сайлов жараёнининг янада очиклигини таъминлайди, фуқаролар йиғинининг кадрлар салоҳиятини ва маҳалла инсти-туту фаолияти самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

Мажлисда, шунингдек, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ваколатларига тааллуқли бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилди ва тегишли қарорлар қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Матбуот хизмати.

Бугунги кунда мамлакатимизда олиб борилаётган бунёдкорлик ишлари дунё аҳли эътиборида. Шаҳару қишлоқларимиз қиёфаси тубдан ўзгарапти. Шуниси аҳамиятлики, ҳудудларнинг обод, қийазли, замонавий бўлиши учун барча соҳа вакили астойдил интилмоқда. Буни шаҳарларимизда пайдо бўлаётган арт-безаклар, декоратив ҳайкаллар, вектор-дизайнлар мисолида кўриб турибмиз. Бирок, афсуски, уларнинг ҳаммасини ҳам дидимизга, менталитетимизга, ўзлгимизга мос, деб бўлмайди.

Ватан ичра катта уйимиз

Кейинги ойларда Тошкентда пайдо бўлган янги арт-объектлар ижтимоий тармоқларда кенг муҳокама қилинди. Уларнинг асим кентимиз қиёфасига мос тушмагани ҳақида танқидий мулоҳазалар билан бирга, “замонавийлик”, “дунё билан бўйлаш” белгиси экани тўғрисидаги фикрлар ҳам янгради. Биз бу борада ўз мушоҳадаларимизни билдиришга қарор қилдик.

Аввало, янги арт-объектлар ҳақида. Уларнинг ижодкорлари пойтахтимизга бугунги дунё санъати, архитектура-сидаги энг сўнгги анъаналарга суянган ҳолда ўзига хос модерн манзара олиб қирмоқчи бўлишмоқда. Бу инти-лиш таҳсинга сазовор. Аммо гап шундаки, ушбу арт “асарлар” ҳам руҳан, ҳам маънан, ҳам семантик, ҳам тафаккур нуқтаи назаридан миллий менталитетга хос эмас. Айнан шунинг учун, ижтимоий тармоқлардаги эътирозларга кўра, аксарият кишилар бу “ноёб” композицияларни қабул қилолмапти. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, ҳар қандай асар, модерн, постмодерн, абстракт ёки авангард усулида бўладими, миллий тафаккур тарзига, воқеликни миллий англаш ҳолатига асосланмас экан, у нафақат биз, маҳаллий аҳоли учун, балки объект ижодкорлари кўзда тутган шаҳримизга келаётган меҳмонлар учун ҳам тушунарли ва бегона бўлиб қолаверади.

Мамлакатимизга таширф буюраётганлар аллақачон оммавийлашиб бўлган усулдаги “арт махсулотлар”ни эмас, балки миллий рух, миллий тафаккур тарзи, миллий маданият унсурлари барқ уриб турган, миллий дизайнга эга шаҳарларни кўришни ис-тайди. Уларга шу жиҳати қизиқ. Бу —



факт! Шунинг учун ҳам кентларимиз қанчалик миллий руҳда безатилса, уларда қанчалик миллий руҳдаги “арт-объектлар” кўп бўлса, шунча умминининг, умумбашарий мазмун касб этаверди. Бу — санъатда ҳам, маданиятда ҳам аксиома! Мазкур талабни тушунамслик ёки менсимас-

лик, умуман санъатни ва маданиятни тушунамслик билан баробар.

“Арт-объект” мавзугига қайтадиган бўлсак, бизнингча, бу ерда худди ана шу нарсга — миллий рух, миллий семантика орнаментлари етишмапти. Агар разм солсангиз, биронта манзарада миллий колорит, миллий фикрлаш махсули бўлган чизгини кўрмайсиз. Ваҳолонки, Фарбда пайдо бўлган модернизм услуби ҳам Фарб тафаккур тарзи устига қурилган. Айни сабабдан ҳам бу усул уларга тушунарли, ҳазм ва қабул қилиш осон кечган. Ҳар қандай модерн услубдаги асарда Фарб руҳияти, хусусан, қадим маданияти орнаменти, белгиси, тимсоли билиниб,

ўзлари эмас, балки ажодлар, ота-боболар руҳи, фаришта ва илоҳлар ҳам яшайдиган, оилани ёвуз қўчалардан, ёвуз ниятлардан, ёвуз руҳлардан асрайдиган макон — катта олам ичидagi кичик олам, кичик илоҳий маскан деб тасаввур қилинган, шунинг учун ҳам муқаддас саналган. Табиийки, уйдаги ҳар бир безак шу қарашдан келиб чиққан, шу эътиқодни намоён қилиб турган. Зотан, Ватан энг катта уйимиз бўлса, унинг пойтахти — Ватан ичра катта уйимиз, мамлакатимиз, ўзлгимиз оstonаси, миллий маданиятимиз, миллий таънчларимизни кўз-кўз қиладиган асосий саҳна.

ШАҲАРЛАРИМИЗ ҚИЁФАСИДА ЎЗЛИГИМИЗ НАМОЁН БЎЛСИН!

Қадриятларимизни улуғлайлик

Юртимизда қадимий шаҳарлар жуда кўп: Сурхондарёдан тортиб, Қорақалпоғистон Фарғонагача бўлган ҳудудда ёши 2000 — 3000 йилликка тақаладиган, тупроқ остида қолган ўнлаб қадимий кентларимиз топилмоқда. Улар халқимизнинг шаҳарсозлик маданияти ҳақида етарлича маълумотлар берапти. Мухими, бу жойларнинг ҳар бири гиштидан тортиб, қошинига-ча маълум бир мақсад ва ҳикмат билан қўйилганга амин бўлмоқдамиз-ки, бу хил тарихий масканларимиз аж-додларимизнинг фақат иқтисодий-меъморий, ишлаб чиқариш ривожини эмас, балки тафаккур тарзи ҳамда маънавий соҳада эришган ютуқларини, соддароқ қилиб айтсак, имон, эътиқод, эзгулик ва ёвузлик, ҳаёт ҳамда абадийлик ҳақидаги қарашларини ҳам кўз-кўз қилиб тургани билан аҳамиятлидир. Шаҳарларимиздан то-пилган семантик осориатикалар аж-додларимизнинг бизга моддий кўри-нишда қолдирган ҳикматлари ва би-тиклариридир.

Семантика маълум бир халқнинг энг қадимги ва замонавий белгиларга мухрланган тимсоллар тизимини ўзида акс эттиради. Шу маънода, бу хил бел-гилар миллий ўзлик, хусусан, миллий

тафаккур тарзи билан бевосита боғлиқ. Ана шу жиҳатига кўра, Ю. Лотман, Ч. Пирс каби файласуфлар уларни “миллий хусусиятларни та-шувчи белгилар” ҳам деб аташган. Шунинг учун миллий семантика бугунги кунда шаҳарсозлик маданияти-нинг, шаҳарлар дизайнининг ажрал-мас қисми, асоси бўлиб қолмоқда.

Миллий каштачилигимиз, гиламдўз-лигимиз, дўппидўзлигимиздаги нақшу ниғорларнинг ўзиёқ бутун бошли семантик ансамблни ташкил қилади. Уларга ажодларимизнинг ўлмас ҳик-матлари жо бўлган. Халқ амалий санъ-ати аслида ҳарфларсиз ёзувлардир. Уларни ўқиш, англаш, замонавий ис-теъмолга олиб кириш давр талаби. Мисол учун, бодом гули рамзи ўзбек дўппиларининг асосий безаги. Айнан шу сайқални Хитойнинг Ини ҳамда Яни каби ибтидо ва интиҳо, азал-абад уй-ғунлиги тарзида шарҳловчилар бор. Ёки дўппимиздаги белгиларни космо-гоник қарашлар тимсоли сифатида

Сиз нима дейсиз?



қабул қилувчилар ҳам мавжуд. Уму-ман, халқимиз амалий санъати, нақшу ниғорлари, осориатикаларнинг ўзи бир китоб. Унда олам ва одам ҳақида қўллаб ҳикматлар бор. Бу белги ҳамда тимсолларни тушунамслик, бил-маслик, эътибордан четда қолдириш — уларнинг эскириб кетганини, мо-хияти йўқолганини билдирмайди. Ас-лида миллий нақшу ниғорлар, осори-атикалар, яъни семантик белгилар миллий санъат, адабиёт, маданият-нинг, жумладан, бугунги миллий ша-ҳарсозлик безакларининг, дизайни-нинг ҳам асоси саналади.

Миллий рух сезилиб туриши зарур

Ҳар бир меҳмон, айни пайтда шу юрт фуқароси ҳам Лондон манзарала-рида инглиз, Римда итальян, Токиода япон, Дехлида хинд, Рио-де-Жанейрода португал-испан ва хинду-ларнинг қорилиқ маданиятини, Мехи-кода мексиканча колоритини, руҳини ҳис қилади. Пойтахтлардаги ҳар деталь,

ҳар бир манзара, кўринишнинг ўзиёқ сизга шу мамлакат, ўша халқ ҳақида етарлича тасаввур беради. Модерн санъат ва адабиётда етакчи бўлган Париж ҳамда Мадридда омма учун ўрнатилган авангард ҳайкаллару ма-ҳобатли санъат намуналаридан ҳам шу давлатларнинг миллий қиёфаси бўртиб турганини кўрамиз.

Агар Пекингга борган бўлсангиз, ша-ҳарнинг иллюстратив дизайни асоси-да Хитой миллий кадриятлари, урф-одатлари, мифологик ва халқ қахрамонлари, халқ оғзаки ижоди образлари, амалий санъат нақшу ниғорлари, миллий семантик белгиларнинг замонавий талқинларига — интерпретация-сига дуч келасизки, модерн, аб-стракт, авангард манзараларда ҳам Хитой миллий руҳини ҳис қилиб турсиз.

Истанбулда арт-объектларни кўйиб турайлик, ҳатто дунёнинг ишлаб чиқариш стандартига тўлиқ бўйсун-дрилган сим-ёғочлару чироқлар ҳам туркий халқ-лар, жумладан, турк халқининг азалий маданияти, азалий қарашлари, илдишларини намоён этиб туради. Бу ша-ҳардаги арт-композиция-лар ҳам қадимги семантик белги-лар, нақшлар-нинг замонавий талқинидан ибор-рат. Оддий бир чизгиси ҳам ўзи-нинг турк маданиятига дахлдор эканини эслатиб, туркия-ликларга гурур ва ифтихор бағишлайди.

Гонконг эса хитой феншуйи — “шамол ва сув” уйғунлиги ҳақида қурилган. Кейинги юз эллик йилда қанчалик фарблашмасин, у ҳар бир манзарада ўзининг шарқона қиёфасини, дизайнини, ман-зарасини сақлаб қолган.

Бу санокни хоҳлаганча давом этти-риш мумкин. Фақат бу санокда биз-нинг шаҳарларимиз, хусусан, бош кен-тимиз — Тошкент ҳам туришини ис-таймиз.

Яна ўша арт-объект ҳақида...

Арт-объектдан мустаҳкам жой ол-ган юрак тимсоли бир пайтлар шўро турмиш эдларининг “эркин муҳаббат” рамзи эди: уни дарактларга, дафтар-ларга, симёғочларга ўйиб ёзишарди.

Бу тимсол, аслида, авлиё Вален-тин кунги тимсоллари билан чамбар-час боғлиқ. Биз Валентин кунининг, умуман, бу хил “муҳаббат изхорлари”-нинг миллий менталитетимизга ёт экани-ни гапириб, тарғиб қилаётганимизга, бугунги шаҳаримиздан ташвиқотимизга, қолаверса, мафкуравий сиёсатимизга зид бўлган арт-композициялар жой олаётганига нима дейсиз? Бир кунда бу “юраклар” остидан Валентин кунги руҳини бошдан кечириб, нечта йигит-

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
БАНК-МОЛИЯ АКАДЕМИЯСИ

қуйидаги ихтисосликлар бўйича 2019 йил учун
таянч докторантура, докторантура ва мустақил
изланувчиликка қабул эълон қилади.

08.00.07 — Молия, пул муомаласи ва кредит.
08.00.11 — Маркетинг.

Хужжатлар 2018 йил 15 сентябрдан 15 октябргача қабул қилинади.

Таянч докторантурада ўқишга талабгорлар академияга қуйидаги хужжатларни тақдим этишлари керак:

- ариза;
- қисқача биографик маълумотнома;
- меҳнат дафтарчасининг белгиланган тартибда тасдиқланган нусхаси (ишлаётган талабгорлар учун);
- олий таълим муассасаси магистратураси дипломи ёки олий маълумот (мутахассислик дастурлари бўйича) тўғрисидаги диплом нусхаси;
- нашр этилган илмий ишлар рўйхати, шунингдек, уларнинг нусхалари;
- номзодлар фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун диссертация тадқиқоти асосини ташкил қилиши мумкин бўлган илмий натижалар, шу жумладан, илмий журналларда чоп этилган камида битта мақола ҳамда тегишли йўналишлар бўйича иккитадан кам бўлмаган илмий ишлар тўпламларига киритилган маъруза тезисларига эга бўлишлари керак.

Таянч докторантурада ўқиш учун талабгорлар мутахассислик ва чет тили (таълимнинг олдинги даражаларида ўрганилган хорижий тил) бўйича кириш имтиҳонлари топширадилар. Талабгорларда IELTS (ўртача бали камида 5,5), TOEFL (PBT) (567 баллдан кам бўлмаган), TOEFL (iBT) (87 баллдан кам бўлмаган), CEFR (B2 даражадан паст бўлмаган) бўйича тасдиқловчи амалдаги халқаро малака сертификатлари мавжуд бўлганда чет тилидан топширилаётган имтиҳонлардан озод этилади.

Докторантурада ўқишга талабгорлар академияга қуйидаги хужжатларни тақдим этишлари керак:

- ариза;
- қисқача биографик маълумотнома;
- меҳнат дафтарчасининг белгиланган тартибда тасдиқланган нусхаси (ишлаётган талабгорлар учун);
- олий маълумот, фан номзоди ёхуд фалсафа доктори (PhD) ёки хорижий давлатларда унга тенглаштирилган илмий даражага эга бўлганлиги тўғрисидаги диплом нусхаси;
- тадқиқот мавзуси бўйича илмий маъруза ва фан доктори (DSc) илмий даражасини олиш учун тайёрланган докторлик диссертацияси режасининг муфассал лойиҳаси;
- нашр этилган илмий ишлар рўйхати, шунингдек, уларнинг нусхалари.

Номзодлар фан номзоди ёки фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олганидан сўнг муҳим илмий ютуқларга эришган, шунингдек, фан доктори (DSc) илмий даражасини олиш учун диссертация тадқиқоти асосини ташкил қилиши мумкин бўлган илмий журналларда чоп этилган камида учта илмий мақолага ҳамда илмий-амалий конференциялар, семинарлар ва тегишли илмий йўналишлар бўйича илмий ишлар тўпламларида камида иккита тезисга эга бўлишлари керак.

Таянч докторантурага кириш имтиҳонлари 2018 йил 7-8 ноябрь кунлари соат 15.00 да,
докторантурага кириш учун суҳбат эса 2018 йил 9 ноябрь кунлари соат 15.00 да
Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси биносидан ўтказилади.

Фалсафа доктори (PhD) илмий даражаси учун мустақил изланувчиликка қуйидагилар расмийлаштирилади:

- магистр дипломи ёки олий маълумот тўғрисидаги (ихтисослик бўйича) дипломга эга бўлганлар;
- белгиланган илмий мақолаларга эга бўлганлар;
- камида икки йиллик илмий-педагогик иш стажига эга бўлганлар;
- муайян илмий ютуқлар (ихтиро учун патентлар ёки муаллифлик гувоҳномалари)га эга бўлганлар.

Фан доктори (DSc) илмий даражаси учун мустақил изланувчиликка фан номзоди ёки фалсафа доктори (PhD) ёки унга тенглаштирилган хорижий мамлакатларда олинган дипломга эга бўлган, белгиланган талабларга мувофиқ илмий даража олгандан сўнг салмоқли илмий ютуқларга эришган шахслар расмийлаштирилади.

Мустақил изланувчиликка талабгор қуйидаги хужжатларни илова қилган ҳолда ариза билан академияга мурожаат қилиши керак:

- қисқача биографик маълумотнома;
- фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун мустақил изланувчи сифатида расмийлаштириш учун магистрлик ёки олий маълумот (мутахассислик дастурлари бўйича) тўғрисидаги диплом нусхаси;
- меҳнат дафтарчасининг белгиланган тартибда тасдиқланган нусхаси;
- илмий ишлар рўйхати ва уларнинг нусхалари;
- фан доктори (DSc) илмий даражасини олиш учун мустақил изланувчи сифатида расмийлаштириш учун фан номзоди ёки фалсафа доктори (PhD) ёки хорижий давлатларда олинган унга тенглаштирилган бошқа илмий даражалар дипломи нусхаси;
- иш жойидан тавсифнома.

Мустақил изланувчиликка талабгорларни танлаб олиш
2018 йил 9 ноябрда соат 15.00 да
Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси биносидан бўлиб ўтади.

Манзил: 100000, Тошкент шаҳри, Мовароуннахр кўчаси, 16-уй.
Телефонлар: (+99871) 237-48-42, 237-54-53.
E-mail: info@bfa.uz Веб-саҳифа: www.bfa.uz

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ САНЪАТ ВА МАДАНИЯТ ИНСТИТУТИ

қуйидаги ихтисосликлар бўйича
2019 йил учун олий ўқув юртидан кейинги таълим —
таянч докторантура (PhD)га қабул эълон қилади:

13.00.02 — Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси — 1 ўрин.
17.00.01 — Театр санъати — 1 ўрин.
17.00.03 — Кино санъати. Телевидение — 1 ўрин.

Таянч докторантура(PhD)га ўқишга талабгорлардан қуйидаги хужжатлар қабул қилинади:

- ариза;
- қисқача биографик маълумотнома;
- меҳнат дафтарчасининг белгиланган тартибда тасдиқланган нусхаси (ишлаётган талабгорлар учун);
- олий таълим муассасаси магистратураси дипломи ёки олий маълумот (мутахассислик дастурлари бўйича) тўғрисидаги диплом нусхаси;
- нашр этилган илмий ишлар рўйхати, шунингдек, уларнинг нусхалари.
- фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун диссертация тадқиқоти асосини ташкил қилиши мумкин бўлган илмий натижалар;
- илмий журналларда чоп этилган камида битта мақола ҳамда тегишли йўналишлар бўйича иккитадан кам бўлмаган илмий ишлар тўпламларига киритилган маъруза тезислари.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат стипендияси соҳиблари тегишли хужжат нусхасини тақдим этадилар.
Таянч докторантурада ўқиш учун талабгорлар мутахассислик ва чет тили бўйича кириш имтиҳонлари топширадилар.

Хужжатлар 2018 йил 18 сентябрдан 18 октябрга қадар қабул қилинади.
Кириш имтиҳонлари жорий йил 1 — 25 ноябрь кунлари бўлиб ўтади.
Манзил: Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Яланғоч даҳаси, 127-«А» уй.
Мурожаат учун телефонлар: (0-371) 230-28-03, 230-28-14.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси
Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва
Ўзбекистон Республикаси Вазирилар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан
рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 945. 79 332 нусхада босилди,
ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. Қўғоз бичими А—2. Баҳоли келишилган нархда.

Газетаниз ҳақидаги маълумотларни юзлаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона (0-371) 233-52-55;
Котибият (0-371) 233-10-28; Эълонлар (0-371) 232-11-15.



«Асака» банки

«ХСРИКнинг 2018 йилдаги энг яхши ҳамкори» мукофотиغا сазовор бўлди.

**Жорий йилнинг 18 сентябрида Тошкент шаҳрида ўтказилган
Ислом тараққиёт банки гуруҳи кунда «Асака» банкига Хусусий секторни
ривожлантириш Ислом корпорацияси раҳбарияти номидан
«ХСРИКнинг молиялаштириш йўналишидаги энг яхши ҳамкори»
мукофоти топширилди.**

**Хусусий секторни ривожлантириш
Ислом корпорацияси (ХСРИК)
1999 йилда Жидда шаҳрида ташкил
этилган. Мазкур корпорациянинг
асосий вазифаси — Ислом тараққиёт
банкига аъзо мамлакатлар хусусий
секторининг ривожланишини
мустаҳкамлаш орқали иқтисодий
тараққиётини қўллаб-қувватлашга оид
фаолиятини тўлдириш, шунингдек,
аъзо мамлакатларда ривожланишни
рағбатлантириш мақсадида хусусий
секторни инвестиция ва савдога оид
молиялаштириш фаолияти
имкониятларини идентификациялаш
ҳамда баҳолаш, активларни
бошқариш, исломий қимматбаҳо
қўғозлар бозори ва қарз сармоясини
ривожлантиришдан иборат.
Ушбу кунда «Асака» банки билан
ХСРИК ўртасида Ўзбекистон
Республикаси кичик бизнес ва хусусий
секторини инновацион
ривожлантиришни фаол қўллаб-
қувватлашга йўналтирилган молиявий
ҳамкорлик бўйича Ўзаро англашув
меморандуми имзоланди.**



www.asakabank.uz

Хизматлар лицензияланган.

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚАРО ИСЛОМ АКАДЕМИЯСИ

қуйидаги ихтисосликлар бўйича 2019 йил учун олий ўқув юртидан кейинги таълим —
таянч докторантура (PhD) ва докторантурага (DSc)
танлов асосида қабул эълон қилади.

24.00.01 — Ислом тарихи ва манбашунослиги.
24.00.02 — Қуръоншунослик. Ҳадисшунослик.
24.00.03 — Фикҳ, қалом илми, илоҳиёт.
24.00.04 — Мумтоз Шарқ адабиёти ва манбашунослиги.
07.00.04 — Диншунослик

Ўқишга талабгорлар қуйидаги хужжатларни тақдим этишлари шарт:

- ректор номига ариза;
- маълумотнома;
- меҳнат дафтарчасининг белгиланган тартибда тасдиқланган нусхаси;
- олий таълим магистратураси дипломи;
- ОАК рўйхатидан ўтган журналларда камида битта илмий мақола, илмий-амалий конференциялар тўпламларида камида иккита тезис (таянч докторантура PhD);
- ОАК рўйхатидан ўтган журналларда камида учта илмий мақола, илмий-амалий конференциялар тўпламларида камида иккита тезис (докторантура DSc) ҳамда уларнинг нусхалари бўлиши талаб этилади.

Хужжатлар 2018 йил 15 сентябрдан 15 октябргача қабул қилинади.

Манзил: Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Абдулла Қодирий кўчаси, 11-уй.
Мурожаат учун телефон: (0-371) 244-00-56. Факс (0-371) 244-00-65.



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИК КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН БИЗДА ЧЕГИРМА

**15 500 000
сўм**



**Чегирманинг амал қилиш муддати —
2018 йил 30 сентябргача.**

Тел.: (+99893) 330-50-00, (+99871) 239-88-58.

Манзил: Самарқанд ш., Гагарин к., 36-уй. Мўлжал — «КИНАП» заводи.

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақрир қилинмайди ва
муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг отказиб берилиши учун обунали
расмийлаштирилган ташкилот жавобгар.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор
А. Исмоилов томонидан саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул.
Босмахона телефони: (0-371) 233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи муҳаррир — М. Жонихонов.
Навбатчи — Б. Ғофуров.
Мусахҳиҳ — С. Исмолов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:
«Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 22.25 Топширилди — 02.30 1 2 3 4 5 6